

## СИЁСИЙ ИСЛОМ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА НАМОЁН БЎЛИШИ

**Феруз З. ХОЛМУМИНОВ**

*ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ*

*Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот*

*маркази илмий ходими.*

*11, А.Қодирий, Тошкент, 100011, Ўзбекистон.*

*E-mail: [dangeroux.93@mail.ru](mailto:dangeroux.93@mail.ru)*

### АННОТАЦИЯ

Замонавий дунёда ислом омили иқтисодий, сиёсий ва халқаро муносабатларда тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу дунёнинг йирик ҳукмрон давлатлар геосиёсий манфатларига ўз таъсирини ўтказмоқда. Кўпчилик ғарб сиёсатчилари исломни мусулмон оламига, замонавий халқаро ҳаёт ва келажак дунё бошқарувига жуда ҳам тасирли куч сифатида қарашмоқда.

Бугунги кунда ислом ниқоби остида ҳаракат қилаётган диний экстремистик, террористик гуруҳ ва шахсларнинг фаолияти кучайган бир пайтда уларнинг келиб чиқиши, босиб ўтган йўли ва кўзлаган мақсадларини илмий нуқтаи назардан очиқ бериш зарурат касб этмоқда. Чунки бузғунчи оқим тарафдорлари томонидан ислом динининг сиёсийлашув жараёни кучайишининг асосий ташқи омилларидан бири сиёсий таъсир доираларини кенгайтириш учун кураш саналади.

**Калит сўзлар:** *ислом, сиёсат, халифа, ҳужра, мутаассиб, экстремизм, терроризм, тамаддун, ваҳҳобий, салафий, демократия.*

Ислом дини асрлар давомида маданият, тамаддун ва илм-фан билан чамбарчас ривожланиб, мазкур уларнинг тараққиётига илҳом манбаи сифатида хизмат қилиб келмоқда. Шундай бўлса-да, худди бугунгидек ўтган 1400 йиллик тарихи давомида исломдан сиёсий мақсадларга эришишни кўзлаган манфаатлари йўлида фойдаланганлар ҳам бўлди. Исломнинг сиёсийлашува ёки “сиёсий ислом” тушунчаси илм фанга ўтган асрда кириб келган бўлса-да, ислом динидан сиёсий мақсадда фойдаланиш ислом тараққиётининг илк даврларига, яъни VII асрда халифа Усмон (р.а.)нинг (644-656) ўлдирилиши, халифа Али (р.а.)га (656-661) сиёсий талабларнинг қўйилиши ортидан Сиффин жангининг юз бериши<sup>1</sup> натижасида мусулмонлар жамоасининг гуруҳларга бўлиниб кетишига бориб тақалади.

<sup>1</sup> Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ислом тарихи. Биринчи китоб. 2017. – 512 с.

Сиёсий ислом – бу жамият ва давлат орасидаги ҳар қандай қарама-қаршилиқлар, шунингдек, давлатлараро муносабатларни шариат меъёрлари асосида ҳал этишга қаратилган диний-сиёсий амалий фаолият ҳамда исломни сиёсий ўзига хослик ва ҳаракат манбаи сифатида талқин қилиш. Баъзи олимлар сиёсий ислом тушунчасини “исломлашиш” атамаси билан бир қаторда қўллайди<sup>2</sup>. Умуман олганда “сёсий ислом” тушунчасини илмий атама сифатида илк бор Тел-Авив университети ва Вашингтон Яқин Шарқ сиёсати институтининг Яқин Шарқ бўйича америкалик-исроиллик олими Мартик Крамер ўзининг “Сиёсий ислом” номли ишида қўллаган<sup>3</sup>.

Сиёсийлашган дин конструктив ёки деструктив куч сифатида намоён бўлади. Сиёсий исломнинг хусусиятлари сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- ислом давлат дини сифатида қабул қилиниши;
- давлатни халифа бошқариши;
- қонун нормалари шаръий қоидаларга асосланиши;
- жамиятда миллий кадриятлардан кўра ислом тамойилларининг мутлақ устун бўлиши.

Ўзбекистон ҳудудида ислом сиёсийлашувининг ўзига хос хусусиятлари. Ислмушунос мутахассисларнинг фикрига кўра, Ўзбекистонда исломнинг сиёсийлашув жараёни хорижий мамлакатлардаги экстремистик ташкилотлар томонидан ташкиллаштирилган<sup>4</sup>. Мамлакатда XX асрнинг 70-80 йилларидан бошлаб ислом дини ниқоби остидаги сиёсий мақсадлар кўзга ташлана бошлади. Жумладан, Ислму сиёсий партиясини тузишга бўлган очик-ойдин ҳаракат 1990 йилда Наманганда тўлиқ ташкил этилмаган Ислму демократик партияси съездининг ўтказилишида кўринди.

Собиқ Совет Иттифоқи парчаланганидан кейин юзага келган мафкуравий бўшлиқ, кўзга кўринган диний уламоларнинг ўрнини мутаассиб кайфиятдаги кишилар эгаллаши ҳамда улар томонидан ислом асосларининг бузиб талқин қилиниши, хорижий террористик ташкилотлар томонидан мутаассиблик руҳидаги адабиётларнинг тарқатилиши, фуқароларда бузғунчи ғоялар тарғиботига қарши иммунитетнинг яхши шаклланмагани, мустақилликнинг илк йилларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тажрибасининг камлиги Ўзбекистонда исломнинг сиёсийлашувига сабаб бўлган омиллар бўлди.

1989 йилдан кейин “хужралар” радикал гуруҳларнинг диний марказларига айлана бошлади. Баъзи мутахассисларнинг фикрича, чет эл мусулмон

<sup>2</sup> Voll, John O., Sonn, Tamara. Political Islam. Oxford University Press. 2010. – P. 34.

<sup>3</sup> Martin S. Kramer. Political Islam. Beverly Hills, Sage Publications, 1980. – p. 80.

<sup>4</sup> Ёвкочев Ш.А. Политизация религии и проблема исламского экстремизма в современном мире. – Т.: ТашГИВ. 2003.

ташкilotлари билан алоқа натижасида республикадаги диний муассаса ва марказларнинг тузилмаси ҳам ўзгарди. Андижон, Қўқон ва Наманганда йирик “ваҳҳобийлик” масжидлари очилди. Маълум кучларнинг Ислом тикланиш партияси тузилмасини яратишга бўлган интилиши очик-ойдин кузатилди.

Республикада ислом сиёсийлашуви ва диний тафаккурнинг радикаллашувига ташқи кучларнинг Ўзбекистонда ўз позицияларини мустаҳкамлаш учун диндан фойдаланиш ҳаракатлари ҳам сабабчи бўлди. 1992–1993 йилларда ноқонуний диний миссионерларнинг юзага келиши шуни аниқ кўрсатдики, уларнинг “ватан”ига ташрифларидан радикал диний ғояларни тарқатиш мақсади кўзланган.

Ислом идеологияси ва амалиёти 1991 йилда Наманганда ташкил этилган “Адолат” ҳаракатининг фаолиятида намоён бўлди. “Адолат” фаолиятининг юқори нуқтаси 1991 йил декабрда Наманганда бўлиб ўтган 40 минглик митинг бўлди. Унинг иштирокчилари Ўзбекистонни мусулмон республикаси деб, исломни эса давлат дини деб эълон қилишни талаб қилдилар<sup>5</sup>.

Ўзбекистонда радикал исломий кучларнинг кучайиш жараёни хавф солувчи тус ола бошлади. Бундай шароитларда, амалдаги қонун ҳужжатларига таянган ҳолда давлат тузумини антиконституцион ўзгартиришга чақирувчи барча партия ва ҳаракатларнинг фаолияти тўхтатилди. Шундан кейин “Адолат”нинг бир неча етакчилари Тожикистон ва Афғонистонга қочишди.

1998-99 йилларда ислом экстремистик кучлар фаоллашувининг янги тўлқини кузатилди. У ҳукуматга қарши варақаларни тарқатиш ва қуроли чиқишлар орқали пайдо бўла бошлади. Мамлакатда “Тавба”, “Ҳизбуллоҳ”, “Ҳизбут таҳрир” ва бошқа шу каби янги диний экстремистик гуруҳлар фаолияти юзага келди.

1999 йил 16 февралда экстремистик кучлар Тошкентда портлашлар уюштирди, натижада 16 киши ҳалок бўлди, 100 дан зиёд киши жароҳатланди. 1999 йил 15 ноябрда улар томонидан Янгиобод шаҳрида теракт уюштирилди, у ерда 8 киши ҳалок бўлди.

Бугунги кунга келиб Ўзбекистон ҳудудида юқорида номлари санаб ўтилган экстремистик ташкилот ва ҳаракатлар фаолиятига тўлиқ барҳам берилган бўлиб, уларнинг жамият ҳаётига салбий таъсири деярли сезилмайди. Шу билан бирга, айна вақтда мамлакатда ислом динидан сиёсий мақсадларда фойдаланишга уринаётган “Ҳизбут таҳрир”, салафийлик ҳамда жиходчилик каби ташкилотларнинг таъсири маълум даражада сақланиб турибди. Уларнинг демократияга асосланган тузумни “куфр низоми” сифатида қараши, расмий

<sup>5</sup> Галым Ж. Политический ислам в Центральной Азии после 25 лет независимости. Сборник эссе из Центральной Азии. 2017. – с. 101-108.



хукуматларни керак бўлса ҳарбий куч ишлатиш орқали ағдариб, шаръий халифалик куриш лозимлиги ҳамда бу барча мусулмонлар учун фарз эканлиги борасидаги қарашларни илгари суриб, ислом дини таълимотидан сиёсий мақсадлар йўлида фойдаланишга уриниши исломнинг сиёсийлашувига олиб келмоқда.

Ўзбекистон суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат<sup>6</sup>. Қонунчиликка кўра, дин давлатдан ажратилган. Диний ташкилотлар ва давлат органларининг фаолияти ўзаро аралашмаслик асосида амалга оширилади. Ҳукумат қонунда белгиланган тартибда фаолият кўрсатаётган диний ташкилотлар фаолиятининг эркинлигини кафолатлайди<sup>7</sup>.

Ўзбекистон Республикасида диний руҳдаги сиёсий партия ва бошқа жамоат бирлашмасининг, республикадан ташқарида тузиладиган диний партиялар ваколатхоналари ва филиалларининг ташкил этилишига ҳамда фаолиятига, сиёсий партиялар ва сиёсий мақсадларни кўзловчи бошқа жамоат бирлашмалари фаолиятида диний ташкилотларнинг иштирок этишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистонда исломнинг сиёсийлашуви қуйидаги таҳдидларни келтириб чиқариши мумкин:

- сиёсий барқарорликни издан чиқаради;
- бошқа дин вакиллари ҳуқуқ ва эркинликларининг чекланишига олиб келади;
- миллий қадриятлар, урф-одат ва анъаналар ўрнига миллийлигимизга хос бўлмаган мутаассиб қарашларни сингдиришга уриниш кузатилади;
- санъат ва маданиятга нисбатан муносабат салбий тус олиб, моддий-маданий бойликларнинг йўқолиб кетиш хавфи пайдо бўлади.

Хулоса қилиб айтганда ислом дини қадимдан исонларга маърифат улашиб, жамият тараққиётига беқиёс ҳисса қўшиб келган. Диний қарашлардан сиёсий мақсадларда фойдаланилиши жамиятга ҳамда унинг аъзоларига зарар келтириши билан биргаликда ислом динига ҳам талофат келтиради.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2023. – 57 б.
2. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тугрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг янги таҳрири. – Т.: Адолат, 2021. – 22 с.
3. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ислом тарихи. Биринчи китоб. 2017. – 512 с.
4. Ёвкочев Ш.А. Политизация религии и проблема исламского экстремизма в современном мире. – Т.: ТашГИВ. 2003.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2023. – 57 б.

<sup>7</sup> “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тугрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг янги таҳрири. – Т.: Адолат, 2021. – 22 с.

5. Мунавваров З.И. Дунёвий жамият ва дин. /Сборник Ислам: бағрикенглик ва мутаассиблик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, 1998.
6. Martin S. Kramer. Political Islam. Beverly Hills, Sage Publications, 1980. – p. 80.
7. Религия и общество: Хрестоматия по социологии религии. Сост.В.И.Гараджа, Е.Д.Руткевич. – М.,1996.
8. Галым Ж. Политический ислам в Центральной Азии после 25 лет независимости. Сборник эссе из Центральной Азии. 2017. – с. 101-108.

